

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

ЎТАЁТГАН ҲАР КУН ТАБАРРУК

Яқин ўтмишдаги даврлар алмашинуви ҳаммамизни толиқтириб қўйганлиги рост. Қайта қуриш, ошкоралик, демократия дедик. Хуллас, яхшими, ёмонми кунларни бошдан кечирдик. У кунлар шиддатли тарзда кечган бўлса-да, биз учун ниҳоятда масъулиятли бўлди. Қисқа давр ичида асрлар давомида шакланган иродамиз тобланди. Сабр-матонатимиз синалди. Ва ўзимиздаги феъли кенглигимиз билан ҳали кўп нарсаларга қодир эканлигимизни исботладик.

Талотўм замонда ҳавотирга ҳам берилдик, бир оз тушқунликка ҳам тушдик. Лекин ишончимизни йўқотмадик. Байрамларни ҳам унутиб қўяёздик. Чунки узоқ йиллар давомида биз ардоқлаб келган саналарнинг ҳам бирин-кетин миси чиқиб қолаверди.

...Ниҳоят Наврўз қайтди. Бир чўчиб уйғондик. Бой берилган бойлигимиз — маънавият ҳақида ўйладик.

Рамазон ва Қурбон ҳайитлари келди. Иймонни поклаш ҳақида муқаддас сўзлар сўзланди. Йўқлигу борлик, инсоф-диёнат, қазову қадар ҳақида ўйладик. Диллар покланди. Ўзлигимиз томон одимладик.

Қадамимиз қўтлуғ келди. Юсак маънавият, тоза иймон, ҳалол ният билан озодликка чиқдик. Мустақиллик ўзлигимизни англади. Бу кун ёруғ юз билан келажак ҳақида, истиқлол ҳақида ўйладик.

Эртанги кунимиз тинч-тотув, файзу баракали кунларга айлансин дея қилган ниятларимиз ижобат бўлсин.

Ўтаётган ҳар кунимиз табаррук бўлиб қолаверсин!

КЕЙИНГИ

СОНЛАРДА:



ХАЙРИДДИН СУЛТОН:

БУ ЙУЛЛАР КЎП ҚАДИМ ЙУЛЛАР

НАВРЎЗ РИЗАЕВ:


ГУРЖИСТОН — ФИДОЙИЛАР ДИЕРИ

БАХТИЕР ИСАБЕК:

ОТАГА АЛДА АЙТГУЛИК ҚИЛМАСИН

ҲАЛИМ САЙИИД:

МИЛЛИЙ ҚИСМ ҚИСМАТИ



Суратчи: А. ТУРАЕВ

УЧ ОҒАЙНИ

ЕТТИ КУН

БОЛАЛАРГА МАЗЗА!

Қашқадарёнинг сўлим қирғоғида вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари учун пляж қурилган. Бунга нақл 70 минг сўм кетди. Бироқ фахрийларни иқтисодий қийинчиликлар чўчитиб қўйди шекилли, жазирама кунларда ҳам бу ерга келишмади. Пляжнинг ҳузурини болалар кўришяпти, деб хабар беради муҳбиримиз Н. Тилов.

ДЕМИДРОЛЛИ ГАРОВ

Косонсой туманида икки ўсмир юз сўм тикиб, ким кўп хоб-дори ичишдан гаров ўйнашди. «Мусобақа» анча аянчли тугади: икки оғайни ҳам касалхонанинг жонлантириш бўлимида кўз очишди.

НОМИГА МУНОСИБ

Қаршидаги болалар боғига тушган ўғри ўйинчоқ автоматлар хўжайинининг Темурбахт исмли ўғли томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келди. У ўйинчоқлар ва ҳозир рублдан ҳам қимматли бўлган жами юз сўмлик тангани ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ўғрига қўрқма ташланган шововч эндагича... ун ёшаг кирган.

«ОЕҚСИЗ» ҚОЛДИ

Самарқандлик ўғриларда ҳам инсоф қолмабди! Ҳамюртлари — биринчи гуруҳ ногирони Муҳсин Раҳматовнинг аравачасини ўғирлаб кетишибди.

ЙИРТҚИЧ

Сариосиёнинг Зовхона қишлоғига бўри оралади. Натижада мол-қўйга қирон келди, йигирмага яқин одам жароҳат олди.

MEGAPOLIS EXPRESS БИЛАДИ

«М—Э» газети ёзади: ўзбек кинотомошабинларининг учдан икки қисми комедияни маъқул кўришади. Бештадан бор-йўғи биттасигина «сиёсий» фильмларни ҳам кўришга қарши эмас.

«М—Э» газети ҳайрон: ўзбеклар ниманинг устидан куляпти!

ЛЕНИННИНГ ЎРНИНИ МУСТАҚИЛЛИК ЭГАЛЛАДИ

Мамлакатимиз президенти саройи боғини «безаб турган» В. И. Лениннинг ҳайкали олиб ташланиб, ўрнига тўрт бурчакли қора мармар лаъҳа ўрнатилди. Унга ҳар бир ўзбек фахрланса арзийдиган воқеа — 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилинганини ишчи этилган.

МАРМАР—ТАБИАТ МУЎЖИЗАСИ

Қадимий Шаҳрисабзда осори-атиқалар, сирли мўъжизалар кўп. Яқинда Шаҳрисабзда борганимда Қашқадарё мрамар ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Меили ака Бурхонов Кўкғумбаздаги Амир Темур авлодларининг қабри ва айрим ривоятларга қараганда буюк ҳаёонгирнинг ўзи томонидан ясатирилган катта тош тобут ҳақида айтиб қолди. Қизиқиб кўргани бордик.

...Сангтарошлар қабр тошларнинг қирраларига ва четларига худди ёғочга ўйгандек турли гуллар, арабий ёзувлар туширишган. Қора тош узоқ йиллар давомида зияратчилар томонидан ушланаверганидан камарча бўлиб қолган.

Зиёратдан сўнг Мейли ака билан корхонада қилинаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Корхонамизни очиш, ишни йўлга қўйиш осон бўлмаган,— дейди у киши.— Китоб шахридаги эски ҳаммомнинг иссиқхонасида бир вақт

лар силлиқ мәрмәр тош бўларди. Бели оғриганлар шунга ётиб дарво топишарди. Утмишнинг барча ноёб нарсалари каби уни ҳам бузиб, синдириб ташлашди. Мәрмәр — табиат мўъжизаси. Иморатлар ва бошқа биноларнинг кўрмига кўрк қўшади. Унинг ушоқлари ишлатилса бино чиройли ва чидамли бўлади. Қам таъмирланади.

Корхонамиз 1965 йилда таъшикл тоглан. Ҳозир туртта кондан мәрмәр олямиз. Иккитасида мәрмәр ушоклари ишлаб чиқарилади. Асосий хом ашё — уйиб олинган харсанглр. Уларни Макирд, Томчи ота конларидан машиналарда ташиб келтиргач, Китобдаги асосий ишлаб чиқариш цехларида кесиб, пардозлаб, сотишга тайёр қиламиз.

— Харидорлар кўпми?

— Асосан Русиядаги ташкилотлардан олиб кетишяпти, ўзимизнинг қурилиш ташкилотлари харидор бўлма-
япти.

— Қимматдир-да!

— Аспида энг арзон мармар биздан чиқяпти. Квадрат метри 50 сумдан ошиқроқ. Лекин, қурилишларимизни пул билан таъминлаш чатоқ. Вагонларда ташиш нархи ҳам жуда ошган. Шунга қарамай русияликлар олишяпти. Узимиз шахарма-шахар юриб харидор изляяпмиз. Маҳсулотни сотиб корхона, одамларни пул билан таъминлашимиз керак.

— Мармарнинг сифати қандай?

— Машхур Ғозғон марма-
рида 7 хил ранг бор. Бизда
оқ, қора, яшил ранглиси
тайёрланыпти. Ниҳоятда чи-
ройли. Захирасиям кўп.

— Охирги савол. Жамоадагилар «Оила ва жамият»ни ўқишадими?

— Ҳозир 5—6 киши ўқийди. Келгуси йил учун идорага ёзилдик. Корхона ҳисобидан ҳам 30—40 кишини ёздирмоқчимиз.

Норқул ТИЛОВ



«ҲАММА БАЙРАМ БИЗНИКИ»

ЎЗА сурати

Бир кун

НОН ҚҰТАРИШ УЯТМИ?

Тақдир тақозосими ёки
омад кулб боққаними Тош-
кент Доруфундунида Тахсилнинг
ола бошладим. Тахсилнинг
иккинчи йили иқтисодий
аҳолининг бироз яхшилаш
учун ўзимга яраша иш излаш-
га тушдим. Уйдагилар бера-
диган қўшимча 100 сўм пул-
ни ҳам бўларди. Кўпроқ
сўраш эса уят. Омадим чопи-
иш топилди. Ярим маош би-
лан республика газеталари-
дан бирида ишлай бошла-
дим. Кўни жамоамиздан

Бир куни жамоамиздан беш-олти киши бўлиб тушликка бордик. Уларнинг ичидан энг ёши мен эдим. Тушлигимиздан анча нон ортиб қолди. Урнимиздан кўзғол-

гач ёши каттароқ акамиз:
«Рустамбек ноллари олиб,
хонада чой ичамиз. Бу ердан
қолса исроф бўлади» деди.
Нима қилишни билмай қол-
дим. У киши сал узоқлаша-
ёзимни эшитмаганга соли-
мен ҳам жунадим. Ошхона-
дан чиққан захотикизи бо-
ла акамиз қўлима қаради-
қайтиб бориб нонни ол-
чиди. Бироз хижолат
дим, лекин ўзимни оқла-
шаракат қилдим: «Нима,
ҳар кўнасида ортан нон
ёрайинми?»

Ишхонага келгач икки мени
лардан кейин у киши кирдим.
Писёлага чой қуйиб узатди,
бояги нондан олдимга қўйди.

Ва: «Рустамбек боя сиз ортган нонни олишга, ишхонага кўтариб келишга уялдингиз. Одамлардан истихоло қилдингиз. Сизни тушунаман. Ортган нон кўтарганининг устидан куладиганлар кўп бу замонда. Лекин нон кўтариш уят эмас. Ноннинг исроф бўлиб, ахлатга тушиши ёмон. Шуниси ёмон...» Пекин бари-

Роса уялдим. Лекин бари-
бир нима биландир ўзимни
оклашга ҳаракат қилардим.
Энди эса, бугунги ҳаётимизни
кўриб ниманидир англаган-
дайман. Увол дегани бор
нарсас экан. Ҳозир нон кўта-
ридан уялмайман.

Р. ХУРРАМОВ
Сурхондарё вилояти



ЮЛДУЗЛАРИНГ МАНГУ ПОРЛАСИН! УЗА сурати

Стевия бедага ўхшаш ўсимлик. Ватани — Парагвай. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институтида ундан ширин моддалар олиш усули ишлаб чиқилди.

— 1989 йилнинг охирида эди, — дейди институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Насрулло Абдуллаев. — Уша вақтдаги бутун-ити-фоқ ўсимликшунослик институти Урта Осиё бўлимининг катта илмий ходими Ю. М. Ким ҳузурига кириб келди. Уларда стевия ўсимлиги парваришланаётганини, ўсимликнинг ғаройиб хусусиятларини сўзлаб берди. Таркибида шакар моддаси кўпчилиги алоҳида таъкидлади. Қизиқиб қолдик. Уни ўрганишга киришдик, тадқиқотлар ўтказа бошладик.

Институт директори, техника фанлари доктори, профессор Х. Н. Орипов раҳбарлигида олиб борилган изланишлар, тинимсиз, сидқидилдан қилинган меҳнат, сарфланган маблағлар зое кетмади. Стевиянинг бор «сирасори» фаш бўлди.

Стевия бедага ўхшаш, йилига икки марта ўриб олинади, гектаридан 1,5—2 тонна қўруқ масса олиш мумкин. Бир тасаввур қилиб кўринг: Таркибидаги ширин моддалар қанд лавлагига нисбатан 100—150 барабар кўп! Базан ширинлик даражаси, ҳатто 350—390 барабар юқори. Демак, уни шакар ўрнида ишлатиш, ичимликлар, консервалар, музқаймоқ, қандолат маҳсулотлари тайёрлашда, қанд касалига йўлққан беморларни даволашда фойдаланиш мумкин.

Биз конвейер усулида ишлаймиз. Стевиянинг хосса ва хусусиятларини ўрганиш ботаника лабораториясидан бошланган, кейин кимёгарлар, технологлар, доришунослар, токсикологлар... ишни давом эттиришган. Хуллас, бу ишда қатнашмаган бирорта лаборатория қолмади. Энди тақриба-ишлаб чиқариш корхонасига навбат келди.

— Қурилмаларимизнинг қуввати унча катта эмас. Кунига 10—15 кг. тозаланган модда олаёғимиз, холос, гапга қўшилди Муродбек Турсунхўжаев, тақриба-ишлаб чиқариш лабораториясининг мудир. — Яқинда Копенгагендан сим қоқишди, улардан янги қурилма олиш ҳақида гаплашиб олдик. Ҳукуматимиз валюта ажратган, Ишимиз юришиб кетадиганга ўхшайди. Чанглатиб қурилма етиб келгач, йилига 50 тонна соф модда ишлаб чиқаришимиз мумкин.

— Чиқиндисиз технология, — гапни давом эттирди Насрулло Абдуллаев, — атрофга ҳеч қандай зарар етказмайди.

— Қанд-шакар муаммосини ҳал қилиш учун кўпроқ майдонга лавлаг

ШАКАР КЎПАЯДИГАН БЎЛДИ



экилса, ҳосилни қайта ишлайдиган заводлар қурилса... Ахир бундай корхоналар илгари бўлган-ку?

— Давр ўзгарди, техника ва технология асрида яшаймиз. Йиллар мобайнида пала-партиш ишлаш натижасида атроф-муҳитнинг холи танг бўлиб қолди. Биз Украина ва Россияга бориб келдик, — деди бироз хо-мушланиб Муродбек. — У ердаги заводларнинг барчаси дарё, сой бўйларига қурилган. Бу корхоналарда дарё сувининг тенг ярмини истеъмол қилар экан. Табиийки, улар фойдаланган сувни ишлатиб бўлмайди. Украинада сув етарли. Россияда ахвол бирмунча яхши бўлишига қарамай, ўйлаб қолишди: ер кўп, сугорилмайди, ёмғирнинг ўзи етарли, аҳолини икки йил ичида қанд-шакар билан бемалол таъминласа бўлади. Лекин ҳосилни қайта ишлаш учун сув етармакан? Бу саволга жавоб топилмагач, Россияда иш тўхтаб қолди. Хўш, бизда-чи? Ҳозир Қўқонда, бошқа ерларда заводлар қуриляпти, оқибати нима бўларкин, олдиндан айтиш қийин...

Институт директори, профессор Х. Н. Орипов билан икки оғиз суҳбатлашганда, Н. Ж. Абдуллаев, М. Т. Турсунхўжаев сингари изланувчан олимлар билан қақчақлашганда бир ҳикоя ёдимга тушди:

Қадим замонда Мағриб томонда икки қишлоққа бир табиб хизмат қи-

либ ўтган экан. Унинг икки шогирди бўлиб, чап томондаги қишлоқдан чопар келса, чап қўл шогирдини, ўнг томондаги қишлоқдан чопар келса, ўнг қўл шогирдини олиб йўлга равона бўлар экан.

Иттифоқо, бир кунги гупиллаб қор ёғадиган қиш кунинда чап томондаги қишлоқдан чопар келиб, оғир бир беморнинг жонига оро киришини сўраб илтижо қилибди. На илож, табиб чап қўл шогирдини қақриб, йўлга тушибди. Қор эзгилаб ёғар, табиб олдинда йўл очиб борар, шогирд эса тептекис сўқмоқ йўлда пилдираб қадам ташларди. Табиб бир оз чарчабди, шекилли: «Бўтам, олдинга ўтсинлар», дебди ҳарсиллаб. «Хурматлари», таъзим қилибди шогирд. Бундай илтифотдан кўнгли кўтарилган устоз яна ўзи йўл очиб бораверибди... «Қани, энди ўзларидан бўлсин», дебди табиб белини ушлаб. «Тақсир, этагингизни тугтанман», тавозе қилибди шогирд. Табиб яна йўл очишга тушибди. Охири ҳолсизланиб қор устига чўкибди: «Олдинга ўтинг бўтам, мен ҳам сиз очган йўлдан юриб боқай, қандай бўларкин», деган экан...

Алқисса, бугун ўзбек фанида устозларига йўл очишга қодир шогирдлар кўплигига иймон келтирдим.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ЗАФАРНОМА

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

— Охири аччиқ ширинлик қайси?

Деди: — Шошқалоқлик.

Сўрадилар:

— Асло эскирмайдиган кийим қайси?

Деди:

— Яхши ном.

Сўрадилар:

— Қайси душман барча дўстлардан азиз туюлади?

Деди:

— Нафс.

Сўрадилар:

— Қандай касаллик даво-сига одамлар чора топол-майдилар?

Деди:

— Аблахлик.

Сўрадилар:

— Қайси балодан одам-лар қочиб қутулмайди-лар?

Деди:

— Ишқ.

Сўрадилар:

— Қайси баландлик барча тубаниклардан ҳам тубан-роқ?

Деди:

— Кибру ҳаво.

Сўрадилар:

— Қайси фазилат аёл ва эркак учун зеб саналади?

Деди:

— Тўғрилиқ ва поклик.

Сўрадилар:

— Уйқу нима?

Деди:

— Енгил ўлим.

Сўрадилар:

— Ўлим нима?

Деди:

— Қаттиқ уйқу.

Сўрадилар:

— Кишига завқ ва шодлик бағишлайдиган нарса нима?

Деди:

— Буюклар сўзи.

Сўрадилар:

— Охири яхшиликка олиб бормайдиган йўл қайси?

Деди:

— Мазлум ва бечораларга зулм ўтказиш.

Форс тилидан Носир МУҲАММАД таржимаси

(Охири, Боши ўтган сонларда)

ХАТ

ДОНИШМАНДЛАР ИЗИДАН

Ассалому алайкум таҳририят ходимлари, азиз муштарий! Менинг ёшим 180а. Ҳаётнинг ҳали аччиқ-чучугини тўла татиб улгурганим йўқ. Бироқ ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларимни биён этилман. Ўйлайманки, кимлар учундир бу ҳам керакдир...

1. Худонинг энг мураккаб мавжудоти одамдир, чунки у ҳар қандай эзгу ишни ҳам, ҳар қандай ёвузликни ҳам қила олади.

2. Инсон ҳаётда ўзи учун бирор муҳим нарсага эришолмаса, у ўзини дунёда энг бахтсиз ҳисоблайди, гарчи бир талай донишмандларнинг бебаҳо ҳикматларидан ўзи учун таскин топса-да, атрофидаги муҳит бунга асло йўл қўймайди.

3. Ҳаётда жуда кўп қоқилган инсон донишманд бўла олади, чунки у ўз бошидан аянчи кўргуликлар ўтгани сабаб ҳам улар устида ўз тафаккурини бойитади, аммо...

аммо донишманднинг ҳикматларини ҳамма ҳам баробар қабул қилавермайди, чунки донишманд ўз бошидан ўтказганлари асосида ҳулоса чиқаради, қолаверса, ҳамма баробар фикр юритмайди!

4. Эй одам! Яшаганинг бир нўл-гар бу дунёнинг қандайлигин билмасанг!

5. Умид — инсон ҳаётида энг муҳим ва қудратли қутқарувчи кучдир!

6. Ҳеч қачон ҳаётнинг аччиқ зарбаларидан тушқунликка тушма, чунки у зарбалар сенинг тенгсиз бардошинг олдида (агар у бўлса) ҳеч нарса эмас.

7. Мен кимман ўзи, одам шаклидаги бир нўсха, лекин шу нўсхалигим учун ҳам одамман.

Фарҳод БОЙМАНОВ
Карши шахри



Ўза сурати

МУСУЛМОН СЕВГИСИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қилган урушларидан бири битгач, бир мусулмон хотун тушиб қолган ёролиларни (ярадорларни) излаб топмоқчи бўлди, ўликлар орасига кирди. У ён бу ёни излар чоғида «Оҳ, сув...» деган бир товуш эшитилди. Бир ёроли мусулмоннинг сувсодигини онглади. Озроқ сув топиб, шу ёроли олдига келди. Бошини ювошгина кўтариб, сувни ичирмакчи бўлди. Ёроли мусулмон дудогини сувга еткурар чоғида бошқа ёндан «Оҳ, сув...» деган ўзга бир товуш келди. Ёроли сув келтурган хотунга дедиким:

— Бу сувни мендан бурун шу товуш эгасига элти бер. Бир йўлдошим ёролни сувсб ётар экан, мен ичолмайман. Хотунгина сувни иккинчи ёролга олиб борди. У доғи сувни ичайин деб тиришган чоғида «Оҳ, сув...» деган яна бир товуш эшитилди, хотунга дедиким:

— Шу йўлдошим сувсиз экан, мен ичолмайман, бер сувингни шунга.

Хотун сувни учинчи ёролга элти. Учинчи ёроли сувни ичайишда, биринчи ёролининг «Оҳ... ўлдим... сувсизликдан» деган товуши келди. Бу доғи хотунга:

— Сувингни мендин бурун шу товуш эгасига бер!— деди ва ўзи ичмади. Хотун яна қайтиб, биринчи ёролининг ёнига келса, бечоранинг ўлиб қолганини кўрди.

Иккинчи ёролга кетди. У доғи ўлиб қолгандир. Учинчи ёроли сувсизликдан ўлиб қолмасун дебон югура кетди:

— Эвоҳ!.. Бу доғи ўлиб қолибди!— деб сувни тўкди. Мусулмонларнинг ўлим чоғида доғи бир-бирларини қонча севдикларини ўйлаб, бир оз йиғлади.

Абдурауф Фитрат тузган
«Ўқи» китобидан.

«Исломиё маданият»дан олинди.

КАТТАЛАР ҲАМ

Салом — Ислон жорий этган энг муҳим, мусулмонни бошқа халқлардан ажратиб турадиган одоблардан. Қуръони карим салом берилганда, албатта, алик олишни буюради ва, ҳатто, бу билан ҳам кифояланмай, саломга нисбатан ҳам чиройлироқ алик олишни талаб қилади: «Қачонки сизларга салом беришса, сиз ундан яхшироқ, чиройлироқ, қуноқроқ алик олинг ё худди ўшандай жавоб қайтаринг» («Нисо» сураси, 86-оят).

Мен яқинда ўзим ишлаётган мактабнинг 8-синфда «Одоб саломдан бошланади» деган мавзуда тарбиявий дарс ўтдим. Шунда кўпчилик ўқувчилар: «Биз ўзимиздан катталарга бир, икки, уч марта салом берамиз, лекин улар кўпинча алик олмасдан ўтиб кетадилар»,— деган фикрни айтишди. Бундай ҳолатга ўзимиз ҳам кўп гувоҳ эканмиз. Хуллас, катталардаги бундай одобсизлик болаларимизни одобга қорлашимизга катта зиён етказяпти.

Изат-икром қўлдан кетмасин деган одам ёшларнинг саломини аликсиз қолдирмайди, бугина эмас, имкони бўлса, ўзи кичикларга аввал салом бериб, улардан ҳолаҳвол сўрайди. Айтишларича, пайғамбаримиз — Муҳаммад алайҳиссалом бировни кўрганларида, деярли, ҳамиша ундан олдин салом бериб ўлгулар эканлар. Чунки бировдан салом кутиб ўтиришнинг ўзи ҳам одобдан эмас-да. Шунинг учун донишмандлар: «Салом — қарзи худо»,— дейдилар.

Одамлари ўртасида салом-алик йўқолмаган мамлакатда хайру бирака ҳам кўтарилмайд.

Сайфиддин ҒАФФОР ИМОМ ўғли,
Бухоро вилояти, Шифиркон тумани

САЛОМ БЕРАДИ

Тушимга раҳматлик бобом кирибдилар. Қабристон ёнидан ўтиб кетаётганимда, гишт билан ўралган қабрининг ёнида хомуш ўтирган эканлар. У кишининг юзларида беҳолликни кўрдим. Соғинган эдим, югурдим.

Тушнинг таъбирини тушунмай, эртаси куни бобом руҳларига мадад бўлсин дея ўзлари яхши кўрган ва бизга ўргатган Қуръон сурасини тиловат қилдим... Кўп ўтмай бобом яна тушимга кирдилар. Амаким, дадам ва мен

пайтгача кўрган тушларимга ҳеч парво қилмас эдим. Лекин бу тушда ҳаёт билан боғлиқ нимадир бор эди.

Учинчи бор туш кўрдим. Бобом ўқинчли овозда айтдилар: «Қабримга тош қўйманглр дегандим...»

га солди. Бобом болалигимизда бизга эскича алифбони, ҳафтияқ ўқишни, мусулмонча одоб-ахлоқни ўргатар эдилар. Уша дарсларнинг бирида қабртош ҳақида гап кетганда бу ишнинг гуноҳ эканлигини, агар ўзлари оламдан

Акс-садо

белгитош қолди (Энди ўйлаб қарасам, у ҳам керак эмас-дек). Амаким Аллоҳдан бобомнинг руҳларини шод қилишини, бизнинг эса гуноҳимиздан ўттишини сўраб Қуръон тиловат қилдилар. Аллоҳга шукри, амаким ҳам, дадам ҳам соғайиб кетишди.

Муфтий ҳазратларининг «Қабристонда ўлим ўйланади» номли мақолалари чоп этилмаганда бу хатни ёзмадим. Дарҳақиқат, киши қабристонга қимматбаҳо тошлар, ҳайкаллар томошасига эмас, ўлим ҳақида, охираат ҳақида ўйлаш учун боради.

Ҳ. ОМОНЗОДА
Тайлоқ тумани

«ТОШ ҚАБРГА
ОҒИРЛИК ҚИЛГАН»

Ўринларидан туриб кучоқ очиб қарши олдилар. Лекин... кучоғимда ҳеч ким йўқдек эди. Фақат фурсат ўтмай, бобомнинг юзлари аниқ намоён бўлди. Ростдан ҳам у киши бемор одамдай нимадандир азоб чекаётган эдилар. Чўчиб уйғониб кетдим.

томорқада ишлаётган эканмиз. Бобом бизга қарамай яна дардманд қиёфада ўтиб кетдилар. Биздан ҳафедек эдилар, гўё, «Бобо» деб чакирмоқчи бўлиб уйғониб кетдим. Тушим эканлигини англаган заҳотиёк: «Бобом нимадан норози?» деган ўй «ялт» этиб ҳаёлдан ўтди. Шу

Вужудим музлади. Чунки бу фурсатда аввал амаким, сўнгра дадам дардга чалинган эдилар. Бобомдан шу икки фарзанд қолган ва улар билан бирга биз набиралари бобом қабрларига тош ўрнаиб, қабр атрофини гишт девор билан ўраган эдик. Туш кўп нарсаларни ёдим-

ўтсалар, қабрининг бир четига белги қўйиб қўйсақ, шўнинг ўзи бас эканини тайинлагандилар.

Қишлоққа борганимда тушим ва ҳаёлимдан кечган ўйларни уйдагиларга айтдим... Қабр атрофидаги гиштларни жойидан кўчириб олдик. Қабрининг тепасида

АСРАЛГАН
НАРСА
ЭЪЗОЗЛИ
БЎЛАДИ

Ешим 63 да. Сирғали туманидаги гузар мадрасасида 2 йилдан бери араб алифбосини сабоқ бериб келатган бир мусулмонман.

Орзуқул Эргаш («Ҳижоб ортидаги хижоликлар») дўстиязининг келажак орзулари бизга жуда маъбул бўлди. Яна шунини қўшимча қилмоқчи эдимки, ҳижоб сўзи ҳижолат сўзидан келиб чиққан, қиз ва аёлларимиз ҳижолат бўлмасликлари учун ўзларини ишқим кўзлардан пана қиладилар.

Бир жўрналда немис академиясининг талқинини ўқигандим. У «Ўрта Осиёда, кўпроқ Арабистонда аёллар қўл, бўйин, оёқ, сочларини пана қилиб юрадилар. Мабодо осиелик аёлларнинг қўл ёки билаклари беҳосдан очилиб кетса дарҳол суқланиб қарайсиз. Оврупа аёл ва қизлари ярим алағоч, ҳатто физкультура кийимида юрадилар. Эракларнинг дийдаси шундай қотиб қолганки, уларга эътибор ҳам бермайдилар», деб таъкидлайди.

Шунинг учун «Нимани асрасан, эъзозли бўлади», дейишса керак-да.

Насриддин ЗУХУРОВ.

«ИЧИМ МУЗЛАДИ»

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман! Мен тенги, мендан кичик ва мендан катта қизларга гапим бор эди... Эҳтимол айтишга ҳаққим йўқдир, нима бўлганда ҳам бир нарса мени қаттиқ ташвишлантиради. Айниқса қишлоққа борсам ташвишим янада ортади.

...Кўчани кўрага кўзим йўқ. Нурсиз чехралар, ярим-яланғоч, ҳарир қўйлақдаги очик қизлар... Улар кимни севдишни, кимдан кўрқини ҳам билишмайди, инсонга сизинишади. Худони танимайди, мабода Сизнинг ибодат қилишингизни билишса четлаб ўтишади.

Узларини оқлаш учунгина дилимда бўлса бўлдида, дейишади. Тўғри, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи ва кўрувчидир. Лекин сиз дилингиздаги бор нарсани жойнамош устида муқаддас Қазбага юзланиб исботланг.

Эндигина диний илмларга ишқим тушиб юрган кунларим эди. Қишлоққа бордим. Қишлоқ аёллари ҳар ойда бир марта, бир жойга йиғилишиб кеча ўтказишар экан. Тасодифан шу кечага қатнашиб қолдим. Уларнинг Ҳаққа эътиқодлари шаҳарликларникига нисбатан кучли деб ўйлар эдим. 40-45 ёшлар

чамасидаги аёлларнинг ароқ ичишаётганларини кўриб ичим музлади.

Мен ҳамма аёлларни, қизларни ёпинчикда, рўмолда юришлари тарафдориман. Чунки, пайғамбаримиз бизларга очик-сочик юришимизни буюрмаганлар.

Бир куни пайғамбаримиз Мустафо алайҳиссалом йиғлаб ўтирганларида куёвлари Ҳазрат Али билан қизлари Фотима кириб келишибди. Йиғиларининг сабабини сўраганларида, — «Тангрим менга жаннат билан дўзахни кўрсатдики, дўзахда кўпчилиги аёллар экан. Бири ўзини баданини ўзи еяпти, бири олов қайчи билан баданини кесаяпти, бири сочидан, тилидан осиб қўйилган. Баданини еяётгани тириклигида очик юрган аёл, тилидан осилгани ёлгон, фисқу-фасод гапирган аёлдир, сочидан осилгани тириклигида бошини очиб юрган аёлдир»,— деган эканлар.

Мени қийнаётган ташвиш ҳануз тирик. Ҳатто қишлоғимизда отам тенги одамлар, онам тенги аёллар кичик-кичик сураларни ҳам билишмайди.

Ахир биз улардан ўрнат олмаймизми?!

Сурайё ЗОЙИРОВА



Суратчи: А. ТўРАЕВ

СИЗ ҚАНДАЙ УЙ БЕКАСИ?

1. Қир ювиш воситаларини қандай сақлайсиз? а) тўғри келган жойда; б) ўз қутиси ёки идишида; в) шиша идишларга солиб қўяман.
2. Овқат пишираётганингизда полга ёғ томиб кетди, уни қачон артасиз? а) ўша заҳоти; б) овқат қилиб бўлиб; в) бўш вақтимда.
3. Дераза ойналарини қандай ювасиз? а) дераза олдида туриб; б) курсича устига чиқиб; в) узун чўтка олиб ёки таёққа латта ўраб.
4. Нон ва сабзавотларни қандай кесасиз? а) тахтача устида; б) ликобчага қўйиб; в) дастурхон устида.
5. Консерва банкаларини қандай очасиз? а) махсус пичоқ билан; б) оддий пичоқ билан; в) тўғри келган нарсаси билан.

6. Уй-рўзгор асбоб-анжомлари қўлланмасидан қандай фойдаланасиз? а) диққат билан ўқиб чиқаман; б) очиб ҳам кўрмайман; в) дарҳол ташлаб юбораман.
4. а) шундагина пичоқ бармогингизни кесмайди.
5. а) ҳар бир пичоқ махсус мўлжалланган соҳаси учун ишлатилиши керак.
6. а) албатта, ёдномани ўқиб, қондаларга рия қилиш керак. Саволларга тўғри жавоб берган бўлсангиз, эҳтиёткор, саранжом-сарийшга уй бекаси экансиз. Хато-корлик чораларини кўзда тутишга ўринли.

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ.

1. Тўғри жавоб: б) идишлар адашиб кетиши хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.
2. а) ерга томган ёгда сирпаниб кетиш мумкин.
3. в) дераза ойналарини юваётганда эҳтиёт чораларини кўриш керак.

Гўзал ТЕШАБЕКОВА тайёрлади

Табобат

Бола ўн олти ёшга етганда одатда доимий тишларининг ҳаммаси чиқиб бўлади. Учинчи моляр тишлар (улар ақл тишлари дейилади) кечроқ, 18-25 ёшда пайдо бўлади. Ақл тишлари одам баркамол бўлиб, бинобарин етарлича ақли тўлган ёшда чиқади, шунинг учун ҳам улар ақл тишлари деб аталади.

Ақл тишларининг ўзига хос хусусияти шуки, улар ўрнида илгари сут тишлари чиқмаган бўлади. Баъзи кишиларда ақл тишининг тўртталаси чиқади, бошқаларда иккитаси ёки биттаси чиқади. Баъзи бир

АҚЛ ТИШИ

кишиларда эса ақл тиши мўтлақо чиқмайди, лекин организм учун бу ҳол камчилик ҳисобланмайди.

Ақл тишлари ҳамма вақт ҳам оғриқсиз пайдо бўлавермайди. У баъзан зўрға ёриб чиқади ва ёнидаги тишларни қисади, атрофидаги юмшоқ тўқималарни шикастлайди, яллиғлантиради. Бунда одам оғиз очишга, овқатни чайнашга, гапиришга қийналади, ҳарорати кўтарилиши мумкин. Бундай ҳодиса рўй берганда, шифокорга бориш лозим. У яллиғланиш ҳодисасини йўқотадиган даволаш чораларини буюради.



Суратчи: А. ТУРАЕВ

Дераза

ГАПИРИБ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

Барселона олимпиадаси ўйинларининг олти марта чемпиони Виталий Шербонина тунашди. Бу ҳодиса бутун Белорусни жунбушга келтирди. Уғрилар чемпионнинг хонадонига тушиб, Барселонадан келтирган сумкасига олимпиадада ишлаб олган озгина валютаси, видеотехника ва қимматбаҳо буюмларни жойлаб жуфтакни уришган.

В. Шербо бир неча кун аввал маҳаллий журналистларга олимпиададан валюталик бўлиб қайтганлиги, бу ёғига сал эркинроқ нафас олиши мумкинлигини айтганди. У онасиникига олиб бориб қўйган медаллари-ю, чемпионлик унвонлари билангина қолди. («И — Я»)

МУҲАББАТ ЕШ ТАНЛАЙДИ

Рубцовск қариялари уйда 75 ва 70 ёшли икки чол бир кампирга талашиб қолди. Муҳаббат кўзни «кўр» қилди: ошиқларнинг каттаси шартта пичоқни олиб кичигини чавақлаб ташлади. («С — Я»)

ТАРЗАНЛАРИ ҲАМ БОР

Челябинск шахрининг энди ўз Марисабели бор. Шаҳарда энг сероби Изаура экан: уларнинг сони 200 дан ортқ. Чамаси Марианна, Луис Альбертоллар ҳам бундан кам бўлмади.

Дарвоқе, уч яшар Изауранинг бобоси Тарзан, Марианнаники эса Фантон экан.

ОЛТОЙДА ЭСА

Маҳаллий телекомпания Борнаулнинг шоҳ кўчаси бўйига телевизор ўрнатиб, «Бойлар ҳам йиғилади» филмининг видеоёзувини намойиш қила бошлади. Кўчада стол ҳам пайдо бўлди. Унда Мексика ҳукуматида филми яна 50 серияга кўпайтириш илтимоси билан имзо тўланмоқда.

Гувоҳларнинг айтишича, ўтган «машхур» референдумда ҳам бунақа йиғин бўлмаган. Одамлар талабномага имзо чекиш учун соатлаб навбат кутишган. («С — Я»)

ҚИЗЛАР ЭРТА ЭРГА ТЕГМОҚЧИ

Белорус ҳукумати никоҳ ёш чегарасини 15—16 ёш деб белгилаш ниятида. Чунки, сирдан сипоғина белорус йигит ва қизлари анча эрта шўхлик қилиб қўйишмоқда.

Қизиги, эрта никоҳга медиклар ҳам қарши эмас. Қочиб-пусиб ҳомила олдириш дардида юришганларидан, эртароқ турмуш қуриб кетаверганлари маъқул дейишмоқда улар. («И — Я»)

ҚЎЙНИДАН ТЎКИЛСА ҚЎНЖИГА

Хонадон соҳиби Т. исмли ота почта қутисидан хат топиб олган, уч кун совуқ терга ботиб юрди. Чунки номъълум кимса беш минг сўм талаб этиб, акс ҳолда қизининг зўрлайман деб таҳдид қилган эди. Бечора ота тоvon тўлашга рози бўлди. Пулга келган рэкетчини қўриб қотиб қолди: у ўз қизи экан.

Ота қизини мелисага топширмади. («С — Я»)

Эълонлар

44 ЕШДА

27 йиллик ҳаёт йўлдошимни йўқотганимга 3 йил бўлди. Ёлғизлик азоб экан. Еши 47 дан 56 гача, бўйи 165—180 см атрофидаги ҳаётнинг ачиқ-чучуғини тотган, яхши хулқли, вазмин, болаларимдан оталик меҳрини аямайдиган киши билан (Тошкент шаҳридан бўлса) оила қурсам дегандим. Ўзим асли тошкентликман. Ҳозир Фарғонада яшайман. «Оила-98»га ёзинг.

38 ЕШДА

Уч фарзанднинг — икки ўғил, бир қизининг онасиман, 38 га кирдим. Қизим 12, ўғилларим 11, 6 ёшда. Эрим

бошқа бир жувон билан топшиб кетганига 5 йил бўлди. Ҳовли-жойим йўқ, ижарада тураман. Фарзандларимга ота бўладиган, уйли-жойли, оиланинг иссиқ-совуғига қўрби етадиган меҳрибон бир инсон бўлса бекалик хизматимни қилиб ўтардим. «Оила-99» мактубларингизни кутади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Бахтиёр ўғли Азизбек! Мусулмонлик муборак. Қўтлуғ кунда ҳалолланган қўлинг доимо пок бўлсин. Боболаринг Маҳмуд, Уктам, Мелижон, Аминбой.

Лангар қонқиси отамиз Қўрбон Намоз ўғлини қў-

шалоқ байрам — Мустақиллик ва Қончилар кўни билан табриклаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлсинлар. Фарзандларим.

ТАБРИК

Маҳкамжон, туғилган кўнинг қўтлуғ бўлсин! Фарзандларинг бахтига доимо соғ бўл. Волиданг Тожихон ая Тошкент, Ибн Сино мавзеси.

Азиз ва меҳрибон онажон! Сизни 27 август — туғилган кўнингиз билан табриклайман. Бахтимизга ҳаммаша омон бўлинг! Қизингиз Башорат. Бухоро.

«Оила ва жамият» Сизнинг имкониятларингизни чамалаб кўриб, эълон баҳосини энг кам миқдорди белгилади. 1 босма белгисининг (ҳарф, вергул) баҳоси — 1 сўм (Москванинг «Семья» ҳафталигида 5 сўм!). Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. Эълон бир ой муддат ичида чиқарилади.


10 кун муҳлат билан бериладиган шошилинч эълонлар икки баравар қиммат — 2 сўм.

Эълон учун тўланадиган пулни почта ёки телеграф орқали ўтказиш йўли (перевод) билан қуйидаги манзилга жўнатинг: 700029, Тошкент — 29, Намойишлар хёбони, 1-уй, «Оила ва жамият» тахририяти, Ю. Зиёдов.

Агар омад қўлиб боксин, десангиз «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»нинг хизматидан фойдаланинг!

(54)36 «Оила ва жамият»

Бахтиёр ИМОМОВ



1969 йилда Сурхон воҳасининг Денов туманида таваллуд топган. Айни пайтда ТошДД журналистика куллиётининг 5-босқич толиби. Уйланмаган.

КЕЧА
БУГУН
ЭДИ

Суворийлар найзаларининг сада-ри одамлар фарёдиға қўшилиб қиёмат кунини ёдға соларди.

Гўё қиёмат қачонлардир бўладиган эмас, қачонлардир бўлгандай... Қонға беланган дала. Аввал ҳам худди шу тасавурлар, ҳолатлар қайтарилгандай туюларди болага.

— «Ухлашинг керак,— дейишди менга. Мен аллақачон ухлаб қолган укаларимнинг ёнига кириб, кўрпани юзимга тортдим. Кичкина укамнинг хуррак тортиши сукунатни бузиб, бостириб келаётган аллақандай кўрқинчли нарсаларни эслатарди. Тиззаларим қалтирай бошлади. Кўрпадан бошимни чиқардим. Ойнали кутидаги қий-чув тинмаганди. Евузлар одамларни йиғлатишни бас қилишмасди. Опа-сингиллар чолни саройдан қувиб юборишди.— Нимага? Отамдан сўрамоқчи эдим кўрдим. Онам қаради уларни. «Жувонмарг бўлгур, оқпадар-эй!»

...Кенг сахро. Қушлардан бошқа жонзот кўринмайди. Қувғинди чол. Бечора. Кийимлари қирқ ёмоқ. Сочларини саҳронинг шамоли баттар тўзгитаяпти. Нимага сахрога қочади ўзи? Сахрода ҳеч вақо йўқ. Урмонга кетворса-ку... бўрилардан кўрқса керак... Кумда (қайноқ бўлса керак) тиз чўкиб ўтиришида шоҳга ҳечам

ўхшамайди. Шу пайт узокдан бир-бирининг елкасига қўлини қўйиб, сўқир тиланчилар кела бошлашди. Пашшалар гув-гуви. Отам акса урди. Қирол кўр гадоларга эргашди. Бошқа кимга ҳам эргашсин? Бечора чол.

Кеч тушиб, ҳавонинг авзойи бузилди. Тиланчилар қандайдир йиқилма-ман, деб турган кулбага дуч келишиб, шу ерда тунайдиган бўлишди. Ҳама-ма томон қорайди. Чолга раҳмим кел-япти. Боягина шоҳ эди. Энди эса... Нима хоҳласа шуни қилади. Кенг сарой. Бизникидан-да иссиқроқ тўшақ. Ширин-ширин тортлар бўлса керак. Энди-чи? Қорни ҳам очгандир? Итим-дай ғужанак бўлиб олган. Совқотганидан титрайпти, эҳтимол, кўрқаётган-дир. Кўрқса ҳам титрайди-ку одам. Томдан чакка ўтяпти. Қоронғулик. Ташқарида бўрилар бордир? Албатта бор... Яна тиззаларим қалтираяпти. Э-э, художон, чолни ташқарига чиқар-ма-да, ишқилиб. Агар... кимни ёрдам-га чақиради, тун бўлса... кўрлар кўр-майди. Кундузи бўлганда ҳам кўр-майди-ку улар... Чанқақадим.

— Дада, сув ичиб келай...
— Сандалнинг устида чой бор!
Чол ҳам чанқаб қолса-й?
— Дада, ёмғирнинг суви тоза-я?

— Чой сандалда, дедим-ку.

Ёмғирнинг суви тоза. Оғзини катта очиб, чакка ўтаётган жойга бориб ётса бўлади. Тонггача чидасин-да, ило-йим. Сомоннинг ичида илон-чаёнлар йўқмикин?.. Қизиб кетяпман, кўрпа на-мунча оғир? Чол сомондан бошини чиқариб, нимагадир кулоқ соляпти. Кўрқаяпман. Қизларини ўйлаётган-дир. Терга ботибман. Укаларим қан-дай ухлашяпти бунақа иссиқда? Ҳаммаси ўша қизлардан бўлди. Бошқа қарамайман. Чолга... унга маза, со-моннинг ичи яхдай бўлса керак. Кўй-лагимни ечсамми? Дадам сўкади. Яна бир марта қарай...

— Бова, кўрқаман... Сиз яхшиси ухланг, ётинг-да, юзгача сананг. Шун-да ухлаб қоласиз. Тонггача узок...

— Алишер! Жим ёт, укаларинг уйғонади!

— Бова, мен аста гапираман, дадам

сўқяптилар. Қизиб кетяпман. Сиз жим ётаверманг. Ҳеч бўлмаса бирорта қўшиқ айтиб ётинг. Еки... мен ҳам кўрқсам шунақа қиламан... Бова...

Сомоннинг ичида бўлганимда эди. Қайт қилгим келаяпти. Чолга қарасам-ми? Кути қорайиб кетибди. Тонг от-мабди ҳали. Чол йиғлаётгандир. Бўй-ним, оёқларим, ҳамма ёғим жикқа ҳўл. Санасамми? Бир, икки, уч, тўрт... йигирма... юз беш... барибир қизиб кетяпман. Дадам хуррак отмасалар эди. Чолга зўр, муздай сомон... Ём-ғир ёғаяптими?.. Сомон ростдан муз-дай экан. Яхшироқ ёпиниш керак. Чол... сомон... Шамол... Ёмғир...

Суворийлар найзаларининг сада-ри одамлар фарёдиға омухта қиёмат кунини ёдға соларди. Аввал ҳам со-мондаги болани кўргандай туюлар тасвир қўти қаршисида ўтирган чол-га...

Бола... Ёмғир... шамол... Сомон...

Ҳурматли ўқувчи! Бу ҳикоялар сизга тушиниксиз бўлган лаҳжада ёзил-ган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Хар нечук ўқиб, мулоҳаза қилиб кўринг; балки ундаги образлар силсиласини идрок этишга зеҳнингизда куч топа би-ларсиз? Шояд бу икки ҳикоя асосида тафаккурингизнинг яширин имко-ниятларини кашф этсангиз, ажаб эмас.

ВАТАНЛАР



Айтгин-чи, кишида ватан нечта (не-ча донa, неча нафар — қанча) бўлади?
— Билсанг-билмасанг битта. Нарй борса хоҳлаганча.
— Қалам-чи, қалам қанча бўлади?
— Тушунмадим?
— Демокчиман:
Боягина бу ерда учта қалам бор эди. Биттасини бергин, шу гаплар-ни ёзиб қўяй.

ВАТАН (I)

Сиз ўзингизни ҳеч чиғаноқ туйган-мисиз? Чиғаноқлар асосан денгиз туб-ларида ва сохилларда кўнлаб учрай-ди. Ана уни пуфласангиз, пуфламай кулоққа тутсангиз товушлар сизни адо қилади. Лекин шуки, уни пуфла-сангиз-да овоз беради. Худди ана шу чиғаноқларнинг ичида шиллиққуртлар яшайди. Улар шундай шилимшиқки, минг бора гўрига гишт қалаганингиз билан шиллиққуртлигини ташламайди.

Мен шиллиққуртман. Гоҳи замон шундай шиллиққуртлик қилгим ке-ладики, чиғаноғимдан чиқмай, туну кунларимни еб битираман (Наҳот битта, биттагина ватан). Албатта, кун-тунларимни, еб битиргач, баъзида кўзичоқдай булоқ сувларини ҳову-члагим, наҳанг каби тоғларда тухум қўйгим, наҳанг каби тоғларда тухум

қўйиб — қобонларнинг қонини ичгим ва одамлардек шиллиққурт бўлгим келади.

Мана, ҳозир сабоқдош қизинг қў-лидан тутаман, чамаси биттагина чи-ғаноқ етишмаяпти сизга, демак, бош-панасиз кимсасиз, мен сизни ўз чиғ-аноғимга киритаман, лекин бир шар-тим бор, дақиқасига фалон танга ижа-ра ҳақи тўлайсиз, ана ундан кейин сиз ҳам тоғларда бе-емалол тухум қўя оласиз — юринг мен билан, дей-ман. Қиз менга фаромуш қараб тура-ди-да, ижара ҳақини тўлай олиш им-кони йўқлигидан афсус чекади. Мана бундай — ...су-у-у-у...

Чунки...
Яна «мана, ҳозир» айни шу ҳикоя-ни ёзишда давом этаман. Давом этарканман, «Ватан(I)»нинг сўнггида шундай дейман. Мен ана бир одамни биламан. Ҳозир шу кишини йўқлаб бо-раман (бораман — боришга ҳаракат қиламан—бора оламан). Йўқлаб бор-ганим заҳоти чиғаноғимни ўғирлаб ке-тишганини англайман. Чунки у ВАТАН.

ВАТАН (III)

Мен кўм-кўк ва зангор тушлар кў-раман. Тушларимда мен ватан нима эканлигини биламан.

Зимистоннинг даричасини очиб тур-

ган панжарали дераза, деворга етим кўзичоқ қилиб ёлғиз осиб қўйилган жажжи сурат, ҳар бир сўз, ҳар бир сатрини Искандар Мақдуний шиддати билан забт этганинг—китоб, синаотни тағига етмаслигинг, илк бора муҳаб-бат кўрғазиди чўкиб ўлганлигинг—Ватан.

Мен қувғинлик нима эканлигини би-ламан.

Зимистоннинг даричасини очиб тур-ган панжарали деразага тортилган парда — қувғинлик. Деворга етим кў-зичоқ қилиб ёлғиз осиб қўйилган жаж-жи суратнинг ёнидаги дурдона —қув-ғинлик. Ҳар бир сўз, ҳар бир сатрини Искандар Мақдуний шиддати билан забт этганинг китобни Шаҳарнинг ўзга бир четидан кимдир биров сотиб олиши — қувғинлик. Сўнг... сўнг туш-ларингга баҳайбат ВАТАН кирса, бил-ки, бу ҳам қувғинлик.

Мен тушларимда...

— Айтгин-чи, кишида ватан нечта (неча донa, неча нафар — қанча) бў-лади?

— Билсанг-билмасанг хоҳлаганча. Нарй борса битта.

— Қалам-чи, қалам қанча бўлади?
— Тушунмадим?

— Демокчиман:

Боягина бу ерда учта қалам бор эди. Биттасини бергин, шу гапларни ёзиб қўяй —(Истайманки, саноксиз бўлсин ватан (қишлоғимдаги дўкон-дек битта — бир донa бўлмасин ва-тан), кишилар чолмасин ҳар кун фа-қат ўша дўконга), ҳар бир уйда бўл-син битта — милён дўкон). Кеча, бу-гун, эрта — кунларга ҳокимлик қила олсин якка) ҳар ким, хоҳласа нимта-нимта қилиб олсин кунларни (ва шу саноксиз вақт бўлаклариди) боқий ва-танлар узра учиб ўтаркан), ҳайқир-син — вақтли ватанларда парвоз қи-лиш нақадар тотли!

Шарифжон АХМЕДОВ

1969 йилда Асаканинг Бешбола-сида туғилган. ТошДД журналис-тика куллиётини шу йил тамомла-ди. Бўйдоқ.

Юрий БОРЕВ

СТАЛИННОМА

ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ОИД ҚАЙДЛАР

Оилавий шариф — Жугашвили.

Ўсмир Сталиннинг шеърӣ тахаллуси — Сосело.

Грузинлар — ёшликдаги дўстлар орасида — Сосо.

Фирқавий лақаб, тахаллус ва расмий шариф — Сталин.

30-50-йиллардаги тарафкаш зиёлилар ўртасида — Хужайин.

Маҳбуслар орасида — Мўйлов.

Қўриқчилар, тансоқчилар орасида — Чўтир.

НКВД — Иван Васильевич (Грозный).

Ҳарбийлар орасида — Олий.

Фирқадош грузинлар ўртасида — Куба.

Англия ва Америка сиёсатчилари, дипломатлари, журналистлари даврасида — Жо тоға.

Шахсга сифиниш фош этилгандан сўнг «Сталин» шарифининг ўрнига «Ставка» атамаси қўлланила бошланди.

ТАШҚИ ҚИЁФА, ОДАТЛАР

Сталин пакана эди. Мавзолейда турганда оёғи остига маҳсус курси қўйишар, шундагина сафдошларига тенгларшарди. Юзиди чечак излари биланиб турарди. Охириг икки йил инсульт туфайли бир қўли ишламай қолган. Овози бўёқ, юрганда бошини кўтармасди.

Сталин йод ва женшендан бошқа ҳеч қандай дорини тан олмаган. Даволаниши тоғликларнинг усулида: папах (тоғликларнинг қалпоғи) — ни кийиб, иссиқ чой ичар ва ётишга чоғланарди. Грузин таомларини, айниқса, қовурилган жужани ахши кўрарди. Кремлда грузин ва хитой ошпазлари бор эди. Ошпазлар Сталинни фақат намоишлардагина кўришарди: дала ҳовлига таомни Сталин ўзи сургун бўлган Туруханск ўлкасидан олиб келган кампир келтирган.

Сталин тунги ҳаёт одами эди: 3-4 ларда ётиб, тушки 12-13 ларда уйғонарди. Ётгунга қадар хонама-хона кезиб, баъзан ўтириб ишлар, баъзан у ёқ-бу ёққа сим қорқарди. Дала ҳовлидаги тўртта хонанинг ҳар бирида битта номерга эга бўлган телефонлар турар, улар мамлакатнинг исталган шахрига чиқиши мумкин бўлган комутаторга уланган эди. Тунги қўнғирқлар фирқа ва давлат аппаратини доимий тайёргарликда тутиб турган. Обком котиблари, министрлар, йирик корхона раҳбарлари тунлари ухламай, телефон қўнғиргоини кутишарди.

ОИЛА ҲАҚИДАГИ ТАХМИНЛАРДАН

Сталин машҳур олим Пржевалскийнинг ўғли деган гаплар юради. Асос: бирин-

чидан, Пржевалский ва Сталин бир-бирига жуда ўхшаш, иккинчидан, Сталин туғилшдан аввалги икки йилни Пржевалский Горида ўтказган, учинчидан, Пржевалскийнинг қардадир никоҳсиз туғилган ўғли бўлган ва Пржевалский унга моддий ёрдам бериб турган.

Яна бир афсонага кўра, Сталиннинг ҳақиқий отаси этикдўз Виссарион Иванович Жугашвили эмас, балки княз Эгнаташвили (Сталиннинг онаси унинг ҳузурида ишлаган)дир. Номусдан Жугашвили — ота тез орада оиласини тарк этади. Сталин никоҳсиз туғилган ўғилга бўлган нафрат муҳитида ўсиб, катта бўлади. Айтишларича, Сталин 30-йилларда Тифлисда бўлганда ундан онаси ҳақида сўрашган, у бўлса «мени онамнинг қандай яшаётгани умуман қизиқтирмайди», дея жавоб берган. Аксинча, ака-ука Эгнаташвилилар Сталиннинг ҳурмат ва шафоатиға сазовор бўлишган — уларнинг иккиси ҳам Гуржистон Олий Кенгазининг аъзоси эди.

МИЛЛАТИ

Менделштамнинг «...ва осетиннинг йирик гавдаси» сатрлари 30-йилларда ҳам Сталиннинг миллати ҳақида норасмий маълумотлар бўлгандан далолат беради. Бироқ улар андак ноаниқроқ: бирига кўра ота — Жугашвили осетин, яна бирига кўра — Эгнаташвили, учинчи бир тахминга кўра — Сталиннинг онаси ярим осетин бўлган. Урушдан сўнг Сталин ўзини келиб чиқиши гуржиларга тақалувчи ўрис дея бир неча бор таъкидлаган.

ШОИР

Ўзининг ўсмирликдаги шеърларига Сталин «Сосело» деб имзо чеккан. Сосо — Иосифининг кичрайтирилгани, Сосело — Сосонинг. 16—17 ёшида Сталиннинг И. Жшвили ва Сосело тахаллуслари остида «Иверия» ва «Квели» рўзномаларида шеърлари босилиб чиқади.

СЕВИМЛИ НАМОЯНДАЛАР

Тарихий шахслардан Иван Грозный ва Пётр I га Сталиннинг ҳурмати балан эди. Бу эҳтиромни пайқаган ижодкорлар улар ҳақида китоблар битишди, филмлар олинди. Грозный ва Пётр I да Сталин тарихий фаолияти ва руҳиятига кўра ўзига яқин сафдошларини кўрганди.

ТАҚРИЗ

Ўрис ва гуржи муаллифларидан иборат жамоа «Доҳининг ёшлиги» китобини тайёрлади. Китоб бир нусха чоп этилиб, Сталинга тақдим этилди. Сталин кўк қалам билан китобнинг ички vara-



гига қуйидагиларни ёзди: «Ушбу китобни чоп этишни маслаҳат бермайман. Китобда Сталиннинг болалиги ва ўсмирлиги менга ёқадиган тарзда тасвир этилган. Китоб ўртоқ Сталин гўёки ғаройиб хислатларга эга бола, ўсмир бўлган деган янглиш тасаввур уйғотади. Бу нотўғри. Сталин инқилобчи даражасига кўтарилган оддий ўсмир бўлган».

ЎГИЛ

Сталиннинг биринчи хотиндан кўрган ўғли Яков отасини жуда севар, лекин шунга яраша меҳрдан маҳрум эди ва бу ҳолат унга жуда қаттиқ ботарди. Охир-оқибат Яков отасидан кетиб, алоҳида яшаш бошлади. Бунга Сталинни Яковнинг уйланишини маъқул кўрмаганлиги ҳам сабаб бўлган.

Урушнинг 25 куни Яков қисми билан асирликка тушиб қолади. Ажратиш лагериди фашист зобити яҳудий ва комиссарларни бир қадам олдинга чиқишларини буюради. Яков сафда қолади. Аскар унинг биқинига автомат билан туртиб, чиқишини буюради. Яков «жоржия», яъни гуржи эканини тушунтиради. Асирлар у Сталиннинг ўғли эканини айта бошлашади. Яковни вақтинча тинч қўйишади, кейинроқ Сталинга қарши бўлган армия кўмондонлигига тақлиф этишади. (Кейинчалик бу мансабни генерал Власов эгаллади). Яков тақлифини рад этади. Кейинроқ уни фелд-маршал Паулисга алиштирмоқчи бўлишди. Бу муносабат билан Сталиннинг «мен аскарни маршалга алмаштирмайман» деган машҳур ибораси ҳаммага маълум.

Немисларнинг айтишича, Яков ток ўтказилган симга ўзини ташлаб, жон таслим қилган. Асирларимизнинг маълумотларига кўра эса, Яковни немислар ўлдиршган, сўнг ток ўтказилган симга ташлаб, гўё Яков ўзини ўл-

диргандек таассурот қолдирмоқчи бўлишган.

БЕРИЯ СТАЛИННИНГ ҚОТИЛИМИ!

Сталиннинг Берия томонидан ўлдирилганлиги ҳақидаги миш-мишлар турли одамлар томонидан билдирилган фикрлар билан асосланади. Берия Сталин умрининг охирига келиб, «қора рўйхат»га тушиб қолган эса-да, ҳали ҳамон ҳокимият жилловини маҳкам тутаетган. У шундан фойдаланиб, Сталиннинг шахсий қўриқчилари бошлиғи генерал Власкин четлаштиришга эришди. Сталиннинг барча эски қўриқчилари ҳам янгиларга алмаштирилди.

Сталиннинг энг содиқ ходимларидан бири — котиб Поскребишев ҳам туҳмат билан ишдан бўшатилди. Сталинни даволаётган шифокорлар «оқ ҳалатдаги қотиллар» дея эълон қилинади. Бу далилларнинг ҳаммаси Берия Сталинга суиқасд уюштирмоқчи бўлган деган гапларнинг тағи пуч эмаслигини кўрсатади.

ХОТИРА

1956 йили — шахсга сифиниш фош этилгандан сўнг Тифлисида норозилик номойиши бўлиб ўтди. Сталин гуржиларга кўп қайғу келтирганди, лекин шундай бўлса-да, гуржиларнинг миллий нафсонияти ҳамюртларини улуғворлик шоҳсупасидан ағдарилишини қабул қила олмади. Намойиш қурол ва танклар ёрдамида тарқатиб юборилди. Улганларнинг баъзиларини ғалаён оқибатларини тезроқ тутатиш мақсадида Куруга ташлаб юборишди. Оқруг кўмондонни тезда Гуржистонни тарқ этишга мажбур бўлди, чунки ғалаёнда ўлган қатнашчиларнинг уруғлари ундан қонли ўч олишлари мумкин эди.

Азиз АБДУВАЛИ
Ўзбекча лаштирган

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕҚУБОВ
Мухаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕРОВ
Мейли
ЙУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Баҳодир
ЭШОНХОНОВ
Урол
УЗБЕК

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташқиқлотлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилқайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
«СЭВИЖ»
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Намангандаги
«Тўқимачи»
маданият
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоёнишлар
хизмати,
1-бино,
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 4465 4
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри

БИРОДАР АБДУРАИМОВ:

Эл севган таниқли футболчи ва мураббий Биродар Абдураимов билан учрашиб, би-ири дардлашишни анчадан буён орзу қилиб юрардим.

Биродар ака футбол билан хайрлашиб, мураббийлик вазифасига ўтганидан кейин киши дилини хира қилиб, кўнглини чўктирадиган ҳар хил «олди-қочди» миш-мишлар тарқалди. Оддий футбол мухлиси сифатида мен иложи борица бундай гапларни эшит-

масликка, эшитганда ҳам ишонмасликка ўзимни мажбурлардим. Энг муҳими, кўпнинг назарига тушган маҳоратли футболчини арзимаган сабаблар баҳона ҳалқ ёмон кўриб қолишни истамасдим. Бирор жойда у киши тўғрисида гап кетса, дарров химоя қилишга ўтиб олардим. Аллоҳ учрашувимизни шу кунларга белгиллаган экан. У киши билан роса мириқиб суҳбатлашдик.

МАРДЛАР БҮЛСА

МАЙДОНГА ЧИҚСИН!

— Биродар ака, суҳбатимизни салгина жўнроқ савол билан бошламоқчиман нега сизни айримлар Биродар, айримлар Эркин деб чақиршади! Қайси бири ҳақиқий исмингиз?

— Хужолатимда Биродар деб ёзилган. Демак, ҳақиқийси шу бўладида. Кўпчилиكنинг Эркин дейишига келсак, буни аввало ота-онам бошлаб берган. Улар болалигимда эркалаб «Эрка, Эрка» деб чақиршаркан.

— Сизни Ўзбекистонда, ҳамда қўшни жумҳуриятларда яшайдиган барча футбол ишқибозлари яхши кўришади-ю, аммо уларнинг кўпчилиги ҳалигача сизнинг футбол билан қандай ошно бўлганингиз ҳақида билишмайди.

— Бир вақтлар акам Маҳмуд ҳам футболчи бўлган. Тошкентнинг «Спартак» жамоасида ўйнади. Кейинчалик спортни бутунлай ташлаб юборди. Мен дастлаб бокс билан шуғулландим. Кейин эркин кураш тугарагига қатнай бошладим. 1958 йилда вазни 45 кг. гача бўлган курашчилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Шу орада футболга ҳам кўнғил берган эканман. Мана кўриб турганингиздек, кейин бутун борлигим билан унга боғланиб қолдим.

— Нима учун бокс билан курашни ташлаб юбордингиз? Акангизнинг футбол ўйнаганини кўриб қизиқиб қолдингизми? Эки спортнинг бир йўла уч тури билан шуғулланиш оғирлик қилдими?

— Гап унда эмас. Биринчидан мураббийларим йўл қўйишмади. Иккинчидан футболга бўлган қизиқишим нисбатан баландроқ экан, шекилли, у билан мунтазам шуғуллана бошладим.

— Ўзбеклар футболни деганда ҳаманинг кўз олдига Биродар Абдураимов келади. Сиз ўйнаган пайтларда «Пахтакор» ҳозиргисига қараганда анча кучли бўлишига қарамасдан, бирор марта ҳам мамлакат чемпиони бўла олмаган. Собиқ ССЖИнинг битта олтин медали сизларга ҳам, шунингдек, барча футбол ишқибозларига ҳам армон бўлиб қолди. Бундай омадсизликнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Бир эмас, бир неча бор чемпион бўлишимиз мумкин эди. Қачонки, Ўзбекистоннинг Олий лигада икки ё учта жамоаси қатнашганда. Мана қаранг, Москва ва Украинада тўртта-бештадан, Грузияда 2—3тадан кучли жамоалар олтин медал учун курашади. Футболда энг муҳими битта вилотнинг, жумҳуриятнинг чемпионатда қатнашадиган барча клублари бир-бирини қўллаши шарт. Масков, Украина, грузияликлар учун олтин медални қўлга киритиш ҳеч қандай қийинчилик тўғрисида эмас.

— Биродар ака, биласизми, назаримда мураббийлик ишига ўтганингиздан кейин сиз ҳақингизда ашаддий футбол ишқибозларининг кўнғилини қолдирадиган жуда кўп ёмон гаплар тарқалди ва булар ҳалигача тингани йўқ. Менга қолса, мураббийликдан ҳам тезроқ кетганингиз маъқул. Негаки мухлисларнинг орадан йиллар ўтиши билан турли миш-мишлар баҳона сизни ўнчалик ёқтирмай қолишлари мумкин. Тўғрироғи, элнинг севган кишидан ҳалқ душманига айланиб қолишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмасга ўхшайди.

— Футбол мухлислари, мутасадди раҳбарлар нима деб ўйлайди, билмадим, бироқ мен ўзимни футболнинг билимдониман, қўлидан ҳамма иш келадиган мураббийман, деб юз фоиз ишонч билан айта оламан. Миш-миш-



лар масаласига келсак, бусиз яшашнинг ўзи мумкин эмас. Мураббийликдан кетганим билан барибир мени ёмон кўрадиганлар қамайиб қолмайдикки яхши кўриб, ҳурмат қиладиганларнинг саноғи ошиб кетмаска керак. Энг муҳими менга кўнғилдагидек ишлашим учун дуруст шароит, тоза муҳит бўлса бас. У ёғини ўзим билмаман. Футболни тушулмаган, маҳоратнинг кўчасидан ҳам ўтмаган одамлар билан ҳисоб-китоб қилишни ўзимга эп кўрмайман. Мардлар бўлса, марҳамат, майдонга чиқисин. Тенгма-тенг курашишга, елкама-елка баҳслашишга сўз бераман.

— Икки марта уйланган экансиз. Сабабини айта оласизми?

— Икки эмас, уч марта уйланганман. Биринчи оилам бевақт оламдан ўтди. Иккинчиси билан бир баҳона бўлди-ю ажрашиб кетдик. Худога шукр, ҳозир шахсий ва оилавий ишларим жойида.

— Мен бир нарсани кўп ўйлайман. Сизнинг икки ўлгингиз ҳам футболни танлашган. Учинингиз нима учун битта жамоага йиғилмайсизлар?

— Катта ўғлим Азамат ҳозир Жанубий Курияда ўйнаётти. Жасур мен билан бирга «Навбахор»да. Келишиб бир жамоага йиғилишимиз осон. Аммо маҳоратни ошириш қийин. Яхшиси, Азамат бироз чет элда ўйнагани яхшими, дейман. Чунки Оврупа ва Осиёнинг бошқа давлатларида футбол биздагига қараганда дурустроқ ривожланган.

— Шу кунларда Азамат «Пахтакор» сафига қўшилишни жуда-жуда истайди. Аммо... Сиз мураббий эмас, ота сифатида ўғлингизга ердан бера олмайсизми?

— Шу йилдан бошлаб Ўзбекистон терма жамоасига қўшилди-ку. Ишонаман, у аста-секин футболда ўз ўрнини топади.

— Сиз катта футболни тарқатганингиздан кейин барча ишқибозлар ўртасида «Иккинчи Абдураимов қачон майдонга тушади!» деган тортишувлар авжга чиққан эди. Мана, иккинчи Абдураимовнинг майдонга тушганига ҳам 5—6 йил бўлди ҳаманда. Аммо у ўз отасининг ўрнини босолмаётганини сезяпсизми?

— Шахсан ўзим 12—13 ёшимдан футболга берилганман. Азамат футболни кеч бошлади. Шундай бўлса-да,

Биродар Абдураимов 1943 йилда туғилган. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси сафида 1960 йилдан 1974 йилга қадар Олий лигада 302 марта майдонга чиқиб, 87 бор рақиблари дарвозасига тўп киритган. Ҳозирги кунда Наманганнинг «Навбахор» жамоасида бош мураббий лавозимида ишламоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.

ўти бор эркаларнинг ўйини. Оддий мухлис сифатида кўплаб маҳоратли футболчиларнинг ё галаба нашидасидан ё мағлубият аламиндан йиғлаганини кўп кўрганман. Сизнинг ҳам ўйингоҳда кўзёш қилган пайтларингиз бўлганми!

— 1968 йил ССЖИ кубоги беллашувининг финалида қатнашдик. Аммо кубок бизга насиб қилмаган экан. Учрашувда Масковнинг «Торпедо» жамоасига 1:0 ҳисобида ютқазиб қўйдик. Учрашув охирларида келганда сира ўзимни тута олмай, ҳакамнинг хушгаги чалинган, ўпкам тўлиб, йиғлаб юборгандим. Қандай бахтли йиғиб бўлган эканман ўша даврларда... Шу-шу «Пахтакор» бирор марта кубок уйинларининг финалигача етиб бормади.

— Биродар ака, сизнингча ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг энг маҳоратли, келажаги бор футболчилари, кимлар!

— Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов, Андрей Пятницкий! Ҳалқнинг қонида бўлса яна кўплаб иқтидорли йигитлар топилиши мумкин. Албатта, уларни топиб, тарбиялаб олиш мутахассисларга боғлиқ.

— Айтингчи, жаҳон футбол юлдузларидан кимларни яхши кўрасиз? Қайси терма жамоанинг доимий мухлиси-сиз? Шунингдек, келажақдаги орзу ва ниятларингизни ҳам айтиб ўтсангиз.

— Дунёга донғи кетган футболчилардан Руди Фёллери яхши кўраман. Терма жамоалар ўртасида эса олмонияликларга ҳавасим келади. Футболда уларнинг доимий тарафқашиман.

Орзуларим масаласига келсак, ҳозир 6 та ўғлим бор. Ниятим уларнинг учтасини футболчи қилиб тарбиялаш эди. Худога шукр, иккитаси майдонда. Энди навбат учинчисига.

— Энг сўнги саволим: ўз мухлисларингизга қандай тилагингиз бор!

— Ҳар бир футболчининг маҳоратига аниқ ва виждонан баҳо беришларини, ўз севган жамоаларига нисбатан эътиқодли бўлишларини сўрайман.



Суҳбатдош Нормурод МУСОМОВ